



«18» март 2013 йил

№ 398-К

QAROR

Каттақўрғон шаҳар А.Навоий кўчаси 15-уйда жойлашган жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар суди ва суд ижрочилари бўлимнинг ҳудудида қўшимча бино қуришга рухсат бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи М.Насруллаевнинг 2013 йил 1 апрелдаги № 14/06-81-4-сонли шаҳар ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар А.Навоий кўчаси 15 уйда жойлашган жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар суди ва суд ижрочилари бўлимига тегишли ҳудудида 120 кв.метр ер майдонида лойиҳа асосида қўшимча бинолар қуришга ва атрофини ободонлаштиришга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар А.Навоий кўчаси 15 уйда жойлашган қўшимча биноларни қурилишини белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси У.Ҳошимов ҳамда Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

С.З.Раззақов.